



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 11 - Инвар

57 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Марҳум Анноев Ражабнинг турар жой  
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Аннаев Сапабайнинг марҳум отаси Анноев Ражабнинг “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 19 ноябрдаги ХО-А-3229-сонли аризасини, “Оқ олтин” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 19 майдаги 1826-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 51,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 136,75 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 187,75 квадрат метр, қурилиш ости майдони 238,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Анноев Ражабга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Анноев Ражабнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Анноев Ражабнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Богот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**